

УДК 004.543

Ф.Р. Нуржанов

## СТАТИСТИК УСУЛЛАРДА ШАХС ЮЗ ТАСВИРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ

Мақолада статистик усулларда шахс юз тасвирини идентификациялаш дастурининг таҳлилий натижалари келтирилган. Бунда танланган объектда қидирилаётган шахс юз тасвирини маълумотлар базасидан, кодлар бўйича қидириш, пикселлар бўйича идентификациялаш, солиштириш, юз тасвирини мезон ва параметр қийматларини ҳисоблашни дисперсион, корреляцион, регрессион статистик усулларидан фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** шахс юз тасвири, статистика, усул, объект, пиксел, дисперсия, корреляция коэффицент, регрессия, маълумотлар базаси.

### Кириш

Хозирги кунда шахс юзини идентификациялаш тизими илмий соҳада янги тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Биометрик тизимларда идентификациялаш тушунчаси объект сифатида мураккаб тизимdir.

Биометрик тизимларга мисол сифатида (бармоқ изи, кўл кафти, кўз қорачиғи, юз) каби тизимлар қаралади. Шунингдек биометрик тизим билан идентификация тизимлари объект сифатида бир - бирига узвий боғлиқ тушунчадир [1].  
- идентификациялаш тизимида кодлар, пикселлар, матрица аломатларини ҳисоблашнинг статистик амаллари кўринишида баҳолашни талаб этади. Ҳозирда иккита тизим, булар шахс юзини маълумотлар базасидан идентификациялаш учун қўлланилади.

Биометрик верификация - бир тасвир шахсни турли хил холатда тушган тасвири билан солиштиришdir. Иккинчиси тасвирни индентификациялаш тизими - бир тасвирни маълумотлар базасидан бошқа тасвирлар ичидан аниқлаш тизимидir. Шахс юзини тасвирига кўра идентификациялаш тизими бошқа шахснинг тасвиридан биометрик характер жиҳатларидан фарқ қиласи, чунки юз тасвирини идентификациялаш тизими мураккаб масаладир [1,2].

Танланган объект параметрларининг кенг диапозонли ўлчамини ўзгариш жараёнларини статистик таҳлиллаш натижасида аниқлаш лозим.

Тасвирни идентификациялаш жараённада рақамли камерадан тасвирга олинган юз тасвирини сифати, ўлчами, масштаби, ракурсини бошқа объектдаги тасвирнинг параметрларига мос келишини статистик баҳолашнинг объектив таҳлилий кўринишини тавсифлаш инобатга олинади.

### Асосий қисм

Танланган объект ичидан қидирилаётган шахсни маълумотлар базасидаги тасвирлар билан кодлар, пикселлар орқали идентификациялаш, дастурий таъминотини яратиш масаласи кўрилади. Бу жараённи маълум манбаларга асосан, моделлаштириш жараёнини тасвирнинг у ёки бу параметрга функционал боғлиқлиги эффективлик даражаси кўринишида ифодаланиши, идентификациялаш тизимларини моделлашти-ришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Масаланинг ечими юз тасвирини идентификациялаш ва биометрик вери-фикациялаш жараёнларини бир - бирига боғлиқ статистик қийматларнинг ўзаро бир-бирига таҳлилий жиҳатдан мураккаблашиши мумкин. Шунинг учун моделлаштириш параметрларини бир-бири билан боғлайдиган аналитик боғлиқларни

аниқлашнинг қўйидаги усуллар гурухини кўллаб асосланиши мумкин.

**Махфий Марков усули:** Бунда тасвир маълумотлар базасида бир неча марта кузатишиларни ҳар бири сақлаб борилади ва  $A = A_1, A_2, A_3, \dots, A_n$  деб белгиланиб, кузатишилар ягона бир нусхага бирлаштирилади. Бу усул маълумотлар базасида тасвир билан солиштириш ва рақамларни пикселлар бўйича ажратишда кўлланилади.

**Scan Window Band (SWB) усули:** Маълумотлар базасида жойлашган юз тасвирининг кетма-кетлиги бир хил ўлчамга келтирилиб, юз тасвири горизантал ва вертикал ўлчамлари бўйича ажратади;

**Scan Window by Rectangle (SWR) усули:** Асосан юз тасвирини тўғри бурчакли тўртбурчак шаклида ифодалаш асос қилиб олинади;

**Интеграл тасвирлаш усули:** Тасвиirlарни интеграл тасвирлаш матрицага кирувчи тасвир билан маълумотлар базасидаги тасвирининг мезон ва параметр ўлчамлари мос келишидир. Бу ерда ҳар бир элементлар: чап, ўнг ва ундан юкорироқдаги интенсив пикселларнинг йиғиндиси солиштирилади.

Шунингдек кўриб чиқилган асосий усуллар юз тасвирини идентификациялаш ҳусусиятларини дисперсион, корреляцион ва регрессион усуллари билан боғлайди [2,3].

**Дисперсион таҳлил:** Дисперсион таҳлил маълумотлар базасидан юз тасвирининг пикселлар танланмалари ўртача қийматини солиштириш масаласини ечишда кўлланилади. Агар танланган объектда тасвири текширув натижасида уларнинг пикселлар қийматлари бир – биридан кам фарқ қилса, у холда тасвирдаги барча пиксел танланмалар бирлаштирилади. Бу ерда  $\{y^{(1)}\}, \{y^2\}, \dots, \{y^{(n)}\}$ , тасодифий пикселлар катталиклар умумий тўплами нормал тақсимот ва бир хил дисперсияга эга бўлган тасвиirlар кетма-кетлигидир. Шунингдек объектдаги юз тасвирини математик кутилишлар

яъни  $y$  - қийматларнинг  $X$  - параметр қийматларига боғлиқмаслиги  $H_0$  - ни танланган ўртача қийматларда текшириб олинади. Уларнинг ҳар бири учун унинг қийматлари олинган. Бу ерда  $y_j(1), y_j(2), \dots, y_j(i), \dots, y_j(k)$ , пикселлар даражалар сони қўйидаги формула кўринишида бўлади

$$D_x = \sum_{i=1}^k (y_i - \bar{y})^2 / k \quad (1)$$

Бу ерда  $y$  - пикселлар даражаларнинг ўртача арифметиги. Агар умумий дисперсия  $D_x$  -маълум бўлса, объектда тасвир пикселларни кузатишилар эҳтимоли  $k$ -га баҳоланади. У холда  $i$ -даражадаги ўртача қиймат  $y_i = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n y_{ij}$  (2)га

барча даражалар бўйича ҳисобланади ва ўртача қиймат модели қўйидаги кўринишида бўлади  $x_j = 1/n \sum_{i=1}^k x_{ij}$

Бу ерда  $x_{ij}$  тасвир учун ҳар бир матрица натижаларининг устуни бўйича ўртача арифметик қийматини ҳисоблайди. Шунингдек объектдаги тасвиirlарни барча кузатишиларнинг умумий танланма дисперсиясидир [4].

**Корреляцион таҳлил:** Корреляцион таҳлил ёрдамида объектдаги тасвир параметрлари ўзгарувчи қийматларнинг улар ўртача қийматларига нисбатан баҳолаш орқали  $x$  ва  $y$  ўзгарувчилар орасидаги боғланиш даражасини белгилайди ва қўйидагича аниқланади.

$$r_{xy} = M[X - \bar{X}][Y - \bar{Y}] / \sqrt{s_x s_y} \quad (3)$$

Бу ерда  $M$  -математик кутиш,  $X, \bar{X}, Y, \bar{Y}$  -мустақил тасодифий катталиклар қиймати  $s_x s_y$  -ўрта даражада квадратик оғишдир. Агар  $r_{xy} = 0$ , бўлса у холда объектдаги ўзгарувчилар орасидаги боғлиқлик мавжуд эмас, акс холда  $r_{xy} = 1$  бўлганда объектдаги ўзга-рувчилар орасидаги боғлиқлик мавжуд ҳисобланади. Шунингдек  $x$  ва  $y$

орасидаги функционал боғлиқлик  $y = b_0 + b_1x$  күренишида бўлади, шу билан бирга  $r_{xy} = +1$  бўлганда мусбат корреляция, яъни бир микдорнинг катта қийматига, бошқа микдорнинг катта қиймати мос келади;  $r_{xy} = -1$  да манфий корреляция  $0 < r_{xy} < 1$  да оралиқда эҳтимоли қийматлари билан аниқланади [3].

**Регрессион таҳлил.** Регрессион таҳлил объектдаги юз тасвирини параметрларига боғлиқ ўзгарувчини кейинги объектдаги тасвирни ўзгарувчи параметрларини боғлайдиган ва коэффициентларидан иборат ноъмалум параметрларни ўз ичига олади. Бунда ўзгарувчилар орасидаги тасвир классификация параметрларини боғланишлар борлиги текширалди. Объектдаги тасвир параметрлари боғлиқмас ўзгарувчилар қийматларидан боғлиқ ўзгарувчилар қийматларини башоратлаш қўйидаги формула бўйича келтирилади.

$$F_0 = \sum_{i=1}^N e_i^2 = \sum_{i=1}^N (b_0 + b_1x_i - y_i)^2 \quad (4)$$

Агар  $x$  ва  $y$  объектдаги тасвирлар орасидаги боғлиқлик чизиқли деб таҳмин қилинса, у холда  $y = b_0 + b_1x$  орқали ифодаланиши мумкин, бу ерда  $b_0, b_1$  - объектдаги тасвир параметрлари учун статистик баҳоларни қидиришдан иборат. Уларнинг қийматлари  $x = x_i$  да башорат қилинаётган ечимни топиш имконини беради. Бу ерда  $N$  - танланмалар хажми минимум шарти  $b_0, b_1$  параметрлар бўйича олинган биринчи тартибли хосиланинг нолга тенглигидир [4]. Шунингдек таҳлил қилинган усуллардан фойдаланиб, объектда қидирилаётган юз тасвирини маълумотлар базасидаги бошка шахс юз тасвирлари билан солишириш кетма-кетлигини идентификациялаш, дисперсия, корреляцион ва регрессион усулларини таҳлил килиш натижасида статистик параметрларга асосланиб юз тасвирини идентификациялашнинг дастури яратилди ва қўйидаги (расм-1) да келтирилган.



1- расм. Қидирилаётган объектни маълумотлар базасидан шахс юз тасвирини идентификациялаш кўриниши


Қидирилаётган объектни маълумотлар базасидан шахс юз тасвирини идентификациялаш жараёни тўрт босқичдан иборат ва улар қўйидагилар.

Объектни кодлар бўйича қидириш – (расм-2) да асосий қидирилаётган юз

тасвирдаги биринчи пиксел, иккинчи шахс юз тасвиридаги биринчи пиксел билан солишириш натижасида 85-90 % ўхшаш бўлса 1-деб оламиз, ундан паст бўлса 0-деб белгилаб оламиз. Натижада 0 ва 1 рақамдан иборат бўлган кодлаш-

триш хосил қиласади ва янги матрица тузилади, икки юз тасвирининг яқинлик эҳтимоллиги текширилади. 1-сони қанча кўп бўлса яқинллик эҳтимоли юқори

бўлади, акс холда 0- сони эҳтимоллик қиймати кўп бўлса тарқоқ ҳисобланади, яъни бу тасвиirlар ўхшамайди.



2- расм. Объектни кодлар бўйича идентификациялаш

Объектни пикселлар бўйича қидириш-қидирилаётган объектдаги шахс юз тасвири бир хил ўлчамга ва матрица кўринишга келтирилиб олинади. Шахс юз тасвирининг устун ва сатр пикселлари кейинги шахс юз тасвирининг устун ва сатр пикселлари солиширилади. Солишириш натижасида маълумотлар базасида жойлашган юз тасвиirlарини ўз ўлчамига мос холда пикселлар қийматларини қидирилаётган юз тасвири пикселлари қийматлари билан мос келгунча идентификациялади.

Объектни статистик усул ёрдамида қидириш-танланган объектдаги қидирилаётган тасвири маълумотлар базасидан юз тасвирини хажми умумий ҳисобланиб бунда  $L$ - юзнинг бўйи,  $H$ - юзнинг эни бўйича хисобга олиниб, буларнинг статистик йифиндиси пикселлардан ташкил топ-ган бўлади. Статистик жиҳатдан юз тасвирини икки қисмга ажратиб, бир - бири билан солиширилади ва уларни идентификациялаш жараёнида қандай фарқлари бўлса инобатга олиб қўйилади. Кейинги объектдаги юз тасвирини идентификациялашда уларнинг асосий пикселлар қийматлари статистик жиҳатдан фойизи олинади.

**Объектни дисперция усули ёрдамида қидириш** - Тасвир учун хар бир матрица натижаларининг устун бўйича ўртача арифметик қиймати ҳисобланади. Кейинги объектдаги тасвиirlарнинг матрица

ўртача қиймати устун бўйича солиширилади ва биринчи усулда иккита бир хил тасвир ва учинчиси улардан фарқли равишда, объектдаги изланаётган тасвирига ўхшашлик эҳтимоллиги даражаси топилади.

### Хуолоса

Шахс юз тасвирини идентификациялашда танланган объектдаги юз тасвирини ўхшашлиги эҳтимоллиги миқдорини топиш масаласи ечилди. Бу масалани ечишда дисперсион, корреляцион ва регрессион усуллардан фойдаланиб, обьекта шахс юз тасвирини идентификациялашни статистик параметрлар асосида маълумотлар базасида юз тасвирини аниқлаш учун дастур яратилди. Яратилган дастур идентификациялаш босқичларини солишириш жараёни эҳтимоллиги юқорилигини ҳисоблашни таҳлилий натижларни статистик мезонлардан фойдаланилди.

### Фойдаланилган адабиётлар

[1]. Турапов У.У., Нуржанов Ф.Р. Mathematical support and software of sought-for object recognition process via the main features. «Высшая школа раскрытие научной новизны исследований». Научно-практический журнал №-11 2016 г. 90-92 стр.

[2]. Маҳкамов А.А., Хамроев А.Ш. Шахсни қулоқ чаноги тасвири асосида таниб олишда баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларининг кўпланилиши

//«Информатика ва энергетика муаммолари», Ўзб.журнали, 2013, № 3-4, 15-17 б.

[3]. Турапов. У.У., Нуржанов Ф.Р. Тасвирларни таниб олиш моделини куриш ва улар орасидаги корреляцион боғланишни баҳолаш усули. “Радиотехника, телекоммуникация ва ахборот технологиялари муаммолари ва келажак ривожи”. Халқаро илмий-техник конференция мақолалар тўплами 1-том. Тошкент 2015-йил 21-22 май 21-23 б.

[4]. Турапов У.У., Нуржанов Ф.Р., Маллаев О.У., Икки тасвирни ва тасвирдаги обьектларни идентификациялашда дисперсия ва корреляция усулларини кўллаш. ЦРПП и АПК при Тошкентском университете информационных технологий. “Современное состояние и перспективы применения информационных технологий в управлении”. Доклады Республиканской научно-

технической конференции. Ташкент, 7-8 сентября 2015 г., Ташкент-2015, с.356-362

### **Нуржанов Фурқатбек Рейимберга-нович**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети кичик илмий ходими, доктарант.

Nurjanov Furqatbek Reyimberganovich  
**Identification of the Face Image in Statistical Methods**

The article presents the analytical results identification program of the face image. The selected object is the search for the image of the person, the search for the codes, the identification by pixels, the calculation of the values of the criterion and parameters using dispersion, correlation and regression.

**Keywords:** person's face image, statistic, method, object, pixel, dispersion, correlation coefficient, regression, database.

УДК 621.314

**И.Х. Сидиков., Х.Э. Хужаматов., К.С. Шержанова**

## **ТАРМОҚЛАНГАН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДА ГИБРИД МАНБАЛАРНИ ИШЛАТИШ ВА БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

Ушбу мақолада телекоммуникация обьектларининг энергия таъминотида ишлатиладиган гибрид энергия манбалари, уларнинг тузилиш схемаси ва қурилиш компонентлари кўриб чиқилган. Қайта тикланувчи энергия манбалари билан биргаликда аккумулятор батареяларидан, марказлашган электр тармоғидан, ҳамда дизель генераторлардан бир вақтнинг ўзида паралел равишда фойдаланиш кўрсатилган. Бундан ташқари, юкламага қараб электр манбаларини бошқариш алгоритмлари ёрдамида самарадорликка эришишнинг илмий асослари келтирилган.

**Калит сўзлар:** электр энергия, электртармок, қайта тикланувчи энергия манбаси, тузилиш тамоиллари, бошқариш алгоритмлари.

**Кириш.** Бугунги кунда алоқа ва телекоммуникация технологияларисиз хаётни тассавур қилиб бўлмайди. Қайси бир соҳани олмайлик, алоқа ва телекоммуникация технологиялари ҳамда хизматларидан кенг фойдаланилмоқда. Алоқа ва телекоммуникация қурилмалари ва хизматларидан самарали, барқарор фойдаланишда энергия таъминотининг ўрни жуда катта ҳисобланади. Электр таъминотидаги муаммолар бугунги кунда асосан олис қишлоқларда ва тоғли

худудларда кўп учрайди. Бундай худудларда жойлашган алоқа ва телекоммуникация обьектларини марказлашган тизим асосида электр энергия таъминотини амалга ошириш замонавий талаблар даражасида йўлга қўйилмаган [1].

Жаҳон тажрибаси ва Республикализмнинг Тошкент, Жиззах вилоятларида ўтказилган илмий изланишларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, алоқа ва телекоммуникация обьектларини узлуксиз ва ишончли